

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**



**Ҳоким ёрдамчиси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган  
вазифалар бўйича**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



**ТОШКЕНТ – 2024**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

---

**ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ  
БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**УДК -----**

**ББК -----**

Ҳоким ёрдамчиси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича услугбий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. 18 бет.

Мазкур услугбий қўлланма ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш ва ҳоким ёрдамчилари томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифаларни қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. **Мазкур услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## МУНДАРИЖА

<b>1.</b>	<b>МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ КИМЛАРДАН ИБОРАТ ВА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ</b>	<b>5</b>
<b>2.</b>	<b>ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	<b>6</b>
<b>3.</b>	<b>ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИНИ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ ВА ЁШЛАРНИ ХУНАРМАНДЧИЛИК ҲИСОБИГА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ</b>	<b>7</b>
<b>4.</b>	<b>ҲУРАНМАНДЧИЛИК ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	<b>8</b>
<b>5.</b>	<b>ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШСИЗЛАРНИ ҲАҚ ТҮЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ</b>	<b>9</b>
<b>6.</b>	<b>ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШСИЗ ШАҲСЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ</b>	<b>11</b>
<b>7.</b>	<b>ИШСИЗЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ЯНГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МАВЖУД ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ</b>	<b>12</b>
<b>8.</b>	<b>МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ АНИҚЛАШ</b>	<b>13</b>
<b>9.</b>	<b>ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТОМОРҶА ЕР ЭГАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЎСИШ НУҚТАЛАРИ ЁРДАМИДА МАҲАЛЛАДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ</b>	<b>14</b>
<b>10.</b>	<b>ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИННИНГ БўШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ</b>	<b>15</b>
<b>11.</b>	<b>ҲОКИМ ТОМОНИДАН ТОМОРҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН АҲОЛИГА БЕРИЛАДИГАН ТАВСИЯ(МАСЛАҲАТ)ЛАР</b>	<b>16</b>
<b>12.</b>	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b>	<b>17</b>

## МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ КИМЛАРДАН ИБОРАТ?

### МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ\*



ҲОКИМ  
ЁРДАМЧИСИ



МАҲАЛЛА РАИСИ



СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ



ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ



ИЖТИМОЙ ХОДИМ



ХОТИН-ҚИЗЛАР



ПРОФИЛАКТИКА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги  
ПФ-209-сон Фармонига асосан ҳоким ёрдамчилари қўйидаги вазифаларни  
амалга ошириш лозим:



## **Ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг асосий йўналишлари**

маҳалладаги аҳолининг бандлик даражасини, оиласарнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини хонадонбай ўрганиш ва таҳлил қилиш;

доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда ўқишини тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш;

маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оиласий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг ҳунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оиласий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашиш;

маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғуланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудукларини бурғилаш, қишлоқ ҳўжалиги кооперативига аззо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда кўмаклашиш;

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қўёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчкатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инобатга олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш;

маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш;

маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғуланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш;

маҳалладаги бўш бино ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш;

Ҳоким ёрдамчилари томонидан ахолини хатловдан ўтказиш жараёнида хонадонлар күйидаги 4 тоифага ажратиласы



## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШЛАРНИ ҲУНАРМАДНЧИЛИК ҲИСОБИГА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



## Маҳсулотни сотиш йўналишлари:

1

Савдо дўконлари, ҳунармандчилик марказлари, ҳунармандчилик фестиваллари,  
“Ҳунарманд” ўюшмаси қошидаги “Craft ant Art” МЧЖ орқали

2

Ўюшма қошида ташкил этилган [www.uzcrafts.com](http://www.uzcrafts.com), [www.youngcrafters.uz](http://www.youngcrafters.uz) ва  
[www.etsy.com](http://www.etsy.com) интернет-магазин орқали

## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШСИЗ АҲОЛНИ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛИШИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Т/р	Ҳунармандчиликнинг асосий йўналишлар	Шогирдлар сони
1.	Ганч ўймакорлиги	5
2.	Қўлда гилам тўқиши	10
3.	Қўлда газламалар тўқиши	10
4.	Тош ўймакорлиги	5
5.	Миниатюра, ранг тасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар	10
6.	Кандакорлик, мисгарлик буюмлари	10
7.	Металлдан ясалган буюмлар	5
8.	Тунуқдан ясалган буюмлар	5
9.	Миллий пойабзал тайёрлаш	10
10.	Миллий либослар тайёрлаш	10
11.	Бош кийимлар тайёрлаш	10
12.	Ёғоч ўймакорлиги	10
13.	Суякка ўйма нақш солиш	5
14.	Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар	10
15.	Каштачилик	10
16.	Зардўзлик буюмлари	10
17.	Мусиқа асబоблари	5
18.	Чинни, фаянс ва сопол буюмлари	10
19.	Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик буюмлари	10
20.	Уйинчоқлар	10
21.	Майдо ҳайкалтарошлик буюмлари	10
22.	Чарм маҳсулотлари	10
23.	Муаллифлик мебелларини тайёрлаш	5
24.	Ёғочдан тайёрланган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари	5
25.	Печка ва каминлар ясаш	5
26.	Новдалардан буюмлар тўқиши	10
27.	Мозайика ишлари	5
28.	Кўзгу тайёрлаш	5
29.	Шиша пуфлаш ишлари	5
30.	Ҳажмли ва шаклли қолипларда қўйилган буюмлар	5
31.	Соатсозлик	5
32.	Эмаллаш ишлари	5
33.	Эсадалик буюмлари	10
34.	Оддий металлардан миллий услубда тайёрланган тақинчоқлар	10

## **ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШСИЗЛАРНИ ҲАҚ ТҮЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ:**



шашарлар, туманлар, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ҳудудларини ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш;



үй-жой коммунал объектлар ва бошқа инфротузилма объектлари ҳудудларига туташ үй-жой фонди объектларини таъмирлаш;




кўчаларни, йўлларни ва йўлакларни таъмирлаш;



Қишлоқ хўжалиги ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини йиғиб-териб олиш, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш;



ногиронлиги бўлган шахсларни, кексаларни, bemорлар ва бошқа шахсларни парваришлаш;



саноат ташкилотларида ва хизматлар кўрсатиш соҳасида ишлар;



Объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

**Ҳоким ёрдамчиси ҳақ тўланадиган жамоат ишлари жалб қилиш бўйича Бандликка кўмаклашиш марказига тавсия беради**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарорига асосан «Жамоат ишлари жамғармаси» дан ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш харажатлари учун — 222 млрд сўм ажратилади.

### **Жамоат ишлари жамғармасидан**



**Бюджет ташкилотларига**

**822 минг-1,6 млн. сўмгача тўлиқ тўлаб берилади**



**Тадбиркорлик субъектларига**

**1,6 млн.сўмгача қоплаб берилади  
(иши ҳақининг 50 фоизи)**

## **ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ МАҲАЛЛА ҲУДУДИДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН КИШИЛАРНИ ВАКАНТ ЖОЙЛАРГА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ?**

**1** мавжуд бўш иш ўринларини аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (АБКМ) орқали ёки интернет сайtlари орқали аниқлади;

**2** маҳалладаги ишсиз фуқароларга бўш (вакант) иш ўринларини таклиф этади;

**3** ишсизларни мақбул келган иш ўринлари бўйича аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йўлланма олиш учун юборади.

**4** бўш иш ўринларига банд бўлмаган аҳолини ишга жойлашишини назорат қилади.

**5** ишсизларни ишга жойлашганлигини мониторинг асосида ўрганиб боради.

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОПЕРАТИВИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ИШСИЗЛАР, “ТЕМИР ДаФТАРИ”, “АЁЛЛАР ДаФТАРИ”, “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ДАГИ ШАХСЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ ЙЎНАЛИШИ**



## КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ ҚУЙИДАГИ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

- 1 • маҳалла касб-хунарга ўқитиш масканлари;
- 2 • “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари;
- 3 • профессионал таълим ташкилотлари;
- 4 • Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўқув марказлари;
- 5 • давлат бошқарув органлари, ҳўжалик бирлашмаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳузуридаги ўқув марказлари;
- 6 • талим фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли тартибда рухсатномага (лицензия) эга бўлган ташкилотлар;
- 7 • шогирдларга касб ўргатиш имкониятларига ва “Хунарманд” ўюшмасига аъзо бўлган хунармандларнинг “Уста-шогирд” мактаблари

### КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### САНОАТ соҳаси бўйича

Текстил корхоналарида ишлаб чиқариш устаси

Мебел ишлаб чиқариш устаси

Металл буюмларни ишлаб чиқариш устаси

Юк кўтарувчи кран оператори

Заргарлик ва бошқалар



#### ХИЗМАТ КЎРСАТИШ соҳаси

Чеварчилик

Сартарошлик (аёллар ва эркаклар)

Косметолог, Нейл-стилист

Ошпаз-қандолатчи

Официант-батлер

IT, компьютер саводхонлиги (*1C бухгалтерия*)

Уқаловчи (болалар учун)

Ёш болаларга энага ва кексаларни парваришилаш

Маишӣ электротехник буюмларни таъмирлаш

Автосервис (электрик, кузовмоторист) ва бошқалар

#### УМУМҚУРИЛИШ соҳаси



Сантехника

Электрик

Пайвандловчи (электр-газ-аргон)

Гипсокартонга ишлов бериш

Курилиш ишлари (ғишт терувчи, сувоқчи ва буёқчи)

Алюминий ва пластик профиллар билан ишлаш

#### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ соҳаси



Иссиқхона ва лимончилик



Гидропоника технологияси


## **ИШСИЗЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ**



**Маҳаллада янги тадбиркорликни ташкил этиш ва мавжуд тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун қуидагиларни амалга оширади:**



# МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ АНИҚЛАШДА ҚУЙИДАГИЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ



**Оиласвий тадбиркорлик дастури асосида фуқароларга имтиёзли кредитлар олиб, ундан даромад олиш имкониятлари таклиф қилинади**

Мотороллер		Мотокультиватор	
Харажат	Даромад	Харажат	Даромад
Бир дона	25,0 млн.сўм	Бир кунда	210 минг.сўм
Бир кунлик ёқилғи	40 минг.сўм	Бир ойда	7,5 млн.сўм
Бир ойлик ёқилғи	1,2 млн.сўм	Бир ойда	6,3 млн.сўм
Бир дона	8,0 млн.сўм	Бир кунда	250 минг.сўм
Бир кунлик ёқилғи	64 минг.сўм	Бир ойда	7,5 млн.сўм
Бир ойлик ёқилғи	1,9 млн.сўм	Бир ойда	5,6 млн.сўм

**Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш ва бино-иншоот ижара тўлови учун субсидиялар ажратиши**



**Ҳоким ёрдамчиси**  
тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиши ва бино иншоот ижара тўловини қоплаш учун субсидия ажратиши орқали банддигига кўмаклашади

#### Асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия

- 1 тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи ҳамда ўзини ўзи банд қилиш истаги бўлган ишсиз фуқаролар рўйхати шакллантирилади;
- 2 ишсиз фуқаро касб-хунарга ёки тадбиркорлик кўнингмаларига ўқитилади;
- 3 тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ёки ўзини ўзи банд қилиган фуқаро зарурий меҳнат қуролини харид қилиш учун меҳнат органига йўналтирилади;
- 4 фуқаро билан иктиомий контракт тузилади ва харид қилинган меҳнат қуролидан унумли фойдаланиши ўрганиб борилади.

#### Бино иншоот ижара тўлови учун


- 1 тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга меҳнат органи билан ҳамкорликда субсидия ажратиши чоралари кўрилади;
- 2 бино иншоот ижара ҳақининг тўлаб берилиши назорат қилинади;
- 3 фуқаро билан иктиомий контракт тузилади ва бино иншоотдан ижара асосида фойдаланиш ҳолати мониторинг қилинади.



Компьютер хизматлари кўрсатиш марказини очиш **бизнес режаси**. Аҳолига компьютерда ёзиш, принтерда чиқариш, нусха кўчириш ҳамда фотосуратга олиш хизматларини кўрсатиш микдорида 9 000 000 ( тўккис миллион ) сўм микдорида банк кредити олинади. Хизмат кўрсатиш натижасида ойига 3,0 млн. сўм даромад олинади ва 2 та иш ўрни яратилади. Кредитни 1,5 йилда тўлиқ қайтариш мумкин.




**ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИ ҚҮЛЛАБ-ҚҰВВАТЛАШ  
УЧУН АЖРАТИЛАЁТГАН МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАР ҲАҚИДА ҚҮЙИДАГИ  
МАЪЛУМОТЛАРНИ МАҲАЛЛА АҲОЛИСИГА ЕТКАЗАДИ ВА УЛАРДАН**




## **ЎСИШ НУҚТАЛАРИ ЁРДАМИДА МАҲАЛЛАДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

### **Ўсиш нуқталарини АНИҚЛАШ ВА ШАКЛПЛАНТИРИШ**




## Ҳоким ёрдамчисининг маҳалладаги ўз фаолияти доирасидаги муаммоларни ҳал қилишда, ўсиш нуқталарини шакллантириш юзасидан ваколатли давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги




## Ҳоким ёрдамчисининг бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича асосий вазифалари

- 1** Маҳаллаларда бўш турган объектларни ва ер майдонларини аниқлашга масъул бўлган давлат органлари ходимларига амалий ёрдам бериш;
- 2** Маҳаллада мавжуд бўш турган объектлар ва ер майдонларидағи муаммоларни ўрганиш
- 3** Аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш
- 4** Ҳудуднинг бўш турган бинолар ва ер майдонларига эҳтиёжи бўйича хulosаларни шакллантириш
- 5** Объектлар жойлашувидан келиб чиқиб таклифлар тайёрлаш ва маҳаллий ҳокимликларга тақдим этиш
- 6** Бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш


## Ҳоким томонидан томорқани ривожлантириш юзасидан аҳолига бериладиган тавсия(маслаҳат)лар




Бодомнинг серхосил 20 дан ортиқ тури мавжуд. Бодом 60 йил ҳосил беради. 1 туп бодом дараҳидан ўртача (кўпи билан 15 кг гача, энг ками 4 кг) 8-10 кг ҳосил олиниди. Етиштирилган ҳосилнинг ўртача 3-5% ички истеъмолга, қолган қисми бозорга олиб чиқиб сотилади. 1 сотих томорқа ер майдонида ўртача 9 та кўчат экиш мумкин. 10 сотих томорқа ер майдонида 90 туп бодом кўчати экилади. Ўртача ҳосил йилига 1 тонна ни ташкил этади. Даромад 40-50 млн сўм бўлади.




Томорқада лимонни иссиқхонада ва траншея шаклида (ҳандак) ўстириш мумкин. Лимон кўчати саккизинчи йилга бориб тўлиқ ҳосилга киради. 1 сотихга 3x3 м схемада 10 дона кўчат экилади. Шунда бир сотих ердаги ҳосилдорлик ҳандакда 250-300 кг ни, иссиқхонада 500 кг ни ташкил қиласи. Жорий нарх бўйича 1 сотих лимонзордан 5,0-10 млн сўмгача, 10 сотихдан эса 50-100 млн сўмгача тушум қилиш мумкин.



**Куада 10 сотих томорқага экилган саримсоқдан май-июнъ ойига келиб 1- 1,2 тонна ҳосил олиш мумкин. Бунда даромад 30-36 млн сўмни ташкил этади. Куз ойларигача эса унинг жойига бошка турдаги экиб яна қўшимча шунча даромад олиш мумкин.**



**10 сотих майдонга бодринг экиш учун 200 г уруг 30 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 645 минг сўмни ташкил этади. 10 сотихда 3-5 тонна ҳосил олиш мумкин. Шунда 30-50 млн сўмгача даромад олиш мумкин. Иссиқхонада эса бундан 5 баравар кўп даромад олиниди.**



Агар 100 бosh қуён боқилса, ўртача йилига ҳар бири 5 тадан болалайди ва жами 500 тага кўпаяди. 1 бosh қуённинг ўртача нархлари 80 000 сўмдан бўлганда, 250 тасини сотишдан 20 млн сўм тушум бўлади. Қолган 250 тасини сўйиб сотиш орқали 25 млн сўм тушум олиш мумкин. Бунда 1 дона қуён ўртача 5 кг гўшт қиласи ва 1 кг қуён гўшти 50-60 минг сўмдан бўлса,  $250 \times 5 \times 50 000$  сўмдан 62,5 млн ва шунча қуён териси ўртача 10 минг сўмдан 2,5 млн сўм бўлади. Ҳаммаси бўлиб 85 млн сўм сўм даромад олади. Бунда харажатлар 25 млн сўмни ташкил этади. Соғ фойда 60 млн сўм бўлади.



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-31-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон Фармони
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Ёшлилар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 388-сон қарори
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 авгутдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича намунавий концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 450-сон қарори
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом